

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 454-ҳадис

53-606

## Хавф ва ражо баёни

Билингки, бандага муносиб күрилган ҳолат соғломлик пайтида хавф-ражода бўлиб, хавф ва ражода бир хил турсин. Беморлик пайтида эса умидни кучайтирсинг. Бунга шариат асоси бўлмиш Куръон ва суннатдаги матнларда ва бундан бошқасида далиллар очиқ ойдин келган.

၁၆၅ - မြန်မာစာ {မြန်မာစာ၊ မြန်မာစာ} : မြန်မာစာ၊ မြန်မာစာ

14 13 - 1111111111 \* 1111111111 1111111111 1111111111 } :1111111111 1111111111  
14 13 - 1111111111 {1111111111 1111111111}.

Аллоҳ таоло марҳамат этди: «**Бас, Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўргувчи қавмгина хотиржам бўлур**» (Аъроф сураси, 99-оят).

**«Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат коғир қавмгина ноумид бўлур»**  
(Юсуф сураси, 87-оят).

«(Киёмат) кунида (мўминларнинг) юзлари оқ бўлур, (кофирларнинг) юзлари қора бўлур» (Оли Имрон сураси, 106-оят).

**«Шубҳасиз, Парвардигорингиз** (кофирлар учун) **азоби қаттиқ**,  
(мўминларни эса) **мағфират қилгувчи, меҳрибондир**» (Аъроф сураси,  
167-оят).

«Шак-шубҳасиз, яхшилар (яъни, мўминлар) жаннат неъматлари дадирлар. Шак-шубҳасиз, фисқ-фужур қилгувчи кимсалар дўзахдадирлар» (Инфитор сураси, 13-14-оятлар).

«Бас, энди (у кунда) **кимнинг тортилган** (яхши амаллари) **оғир** келса, ана ўша (ҳар бир инсон) **рози бўладиган - орзу қиладиган** ҳаётда бўлур. Энди **кимнинг тортилган** (яхши амаллари) **енгил** келса, унинг жойи **жарликдир**» (Ал-Қориъа сураси, 6-9-оятлар).

## 1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар: «**Мўмин киши Аллоҳнинг ҳузурида қандай азоб-уқубатлар борлигини билса эди, ҳеч ким У Зотнинг жаннатидан умид қилмас эди. Агар коғир одам Аллоҳнинг ҳузурида қандай раҳматлар борлигини билса эди, ҳеч ким У Зотнинг жаннатидан умидини узмас эди».**

*Имом Муслим ривояти.*

Манба: hadis.islom.uz



